

**Шах асоссиз равишда жиноятни бажарувчи деб топилганлиги учун суд қарорлари ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2003 йил 31 мартдаги ҳукмига кўра М., К., Э., У. ва ў.лар ЖК 164-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинганлар.

Суднинг ҳукмига кўра, М., К., Э., У. ва ў.лар жиноятни қуйидаги ҳолатларда содир этишган.

М., К., Э., У. ва ў.лар Тошкент шаҳрида яшовчи В.нинг мулкани босқинчилик йўли билан эгаллаш мақсадида ўзаро жинойий тил бириктиришиб, 2002 йил 23 декабрь куни соат 12 ларда В.нинг уйи олдига келишган.

Режага мувофиқ М., К. ва Э.лар жиноятни осонлаштириш ва шерикларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уй олдида қолишган, пичоқ билан қуролланган У. ва ў.лар эса хонадонга киришиб, В.нинг ҳаёти учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб унинг 80.000 сўмлик мулкани босқинчилик йўли билан эгаллашган. Сўнгра У., ў. ҳамда уларни кўчада кутиб турган М., К., Э.лар воқеа жойидан қочиб кетишган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 6 май кунидаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари ушбу иш бўйича протест келтириб, унда суд қарорларининг М., К. ва Э.га тегишли қисмини ўзгартириш масаласини қўйган.

Тошкент шаҳар судининг раёсати қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқарган.

Суд иш бўйича жиноятни содир этиш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлсада, бироқ М., К. ва Э.лар томонидан содир этилган қилмишга баҳо беришда уларнинг мазкур жиноятда иштирокчиликдаги ўрни ва даражасини инобатга олмай хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28-моддасида жиноятни бевосита содир этган шахс бажарувчи деб топилиши, жиноятнинг содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган шахс эса ёрдамчи деб топилиши назарда тутилган.

Суд ушбу қонун нормасига риоя этмаган. Босқинчилик жинояти бевосита У. ва ў.лар томонидан содир этилганлигига, М., К. ва Э.лар эса жиний шерикларнинг хавфсизлигини таъминлаб, атроф муҳитни кузатиб, кўчада туришганлигига, У. ва ў.лар хонадондан чиқишгач, барчаси қўлга киритилган нарсалар билан воқеа жойидан яширинганлигига эътибор бермаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 5- бандида босқинчилик жинояти жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, ҳужум бошланган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланиши тушунтирилган.

Иш ҳолатларидан кўринишича, ушбу жиноят иштирокчилари орасида босқинчилик жиноятини қандай содир қилиш ҳақида олдиндан аниқ келишув бўлиб, унга кўра У. ва Г.лар жабрланувчи В.нинг уйига кириб, унга ҳужум қилишлари, М.,К., ва Э.лар эса, ташқарида туриб, шерикларининг хавфсизлигини таъминлашда ёрдам кўрсатишлари керак бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 май кундаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарори 10-бандида берилган тушунтиришда жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ҳолларда ҳукмда жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан айнан қандай жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги аниқ кўрсатилиши лозимлиги таъкидланган. Бироқ биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ушбу Пленум қарори талабларини бажармаган.

Шу сабабли, назорат инстанцияси суди суд қарорларини ўзгартириб, М., К., Э.нинг ҳаракатларини ЖК 28,164-моддаси 3-қисмининг «б» бандига қайта квалификация қилган ва уларга нисбатан тайинланган жазоларни тегишлича камайтирган.

***2ж-95-03 сонли қарор***